## АМИР ТЕМУР НОМИ БИЛАН

НУКУС. Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида, жамоа хўжаликларида буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланмоқда. Унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Амир Темур йилида энергетиклар шаҳри Тахиатошда ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш соҳасида анча ишлар қилинди. Янги кўчалар, йўлкалар асфальт қилинмоқда. Марказий деҳқон бозори рўпарасидаги Амир Темур хиёбонида Амир Темур меъморий мажмуасининг очилиши ҳам катта тантанага айланди.

*Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.*

СҮНГГИ СОАТДА

## ЎЗБЕКЧА "СНИКЕРС"

ҚАШҚАДАРЁ. Нишон туманига қарашли Таллимаржон шаҳридаги Бободўст Шодиев етакчилик қилаётган тайёрлов-савдо фирмасида шоколад ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шоколад ўзимизда мавжуд қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан тайёрлана бошланди. Маҳсулот лаззатли ва бежирим. Аҳоли шоколадни ўзбекча "Сникерс" деб номламоқда. Шуниси диққатга сазоворки, маҳсулот пештахталарда туриб қолаётгани йўқ. Яқинда фирмада қандолат маҳсулотларининг бошқа турларини ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

*Шерхон ҚОРАЕВ.*

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

## "УСТА БОТИР" ИШ БОШЛАДИ

БУХОРО. Бу ерда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, металлдан турли уй ва идора жиҳозлари тайёрлашга ихтисослашган "Уста Ботир" фирмаси фаолият кўрсата бошлади. Фирма раҳбари Ботир Рабиев туман аҳлига яхши таниш. У узоқ йиллар техникани таъмирлаш ва таъминот корхонасида устачилик қилиб, металлга "жон" бахшида этди. Ўтган йили нафақага чиққандан сўнг, уйда бекор юришни ўзига эп кўрмай, фирма ташкил этиб, истеъмол бозорини тўлдиришга ҳисса қўшишга аҳд қилди.

*Нормуҳаммад РАМАЗОНОВ.*

ЯНГИЛИКЛАР, ФАКТЛАР

## ЯНГИ МАКТАБ ИШГА ТУШДИ

ТОШКЕНТ. Яккасарой туманидаги "Қушбеги" даҳасида замонавий талабларга жавоб берувчи янги мактаб биноси эшикларини кенг очди. 127-мактабда таълим олаётган ўқувчиларнинг бир қисми эндиликда 319-рақамли билим даргоҳида фан сирларини эгаллайдилар. Янги мактаб муаллимлари ва ўқувчиларини Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ва Яккасарой туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Алишер Мирқосимов табриклашди.

*Аброр ҲАМРОҚУЛОВ.*

СҮНГГИ СОАТДА

## МУҲИДДИН ДАРВЕШОВНИ ЭСЛАБ

*ФАРҒОНА. Ўзбекистонда Муҳиддин Дарвешовнинг ичакузди ҳангомалари, беғубор аскияларини эшитмаган, мазза қилиб хуморидан чиққунча кулмаган одам топилмаса керак. Афсуски, севимли қизиқчимизнинг умри қисқа экан. Ўтган йили у оламдан ўтди. Яқинда Бувайда туманидаги "Камолот" жамғармаси туман бўлимининг ташаббуси билан туманда М.Дарвешовнинг хотира кечаси ўтказилди. Хотира кечасида таниқли санъаткорлар Э. Каримов, С. Пўлатов водийдаги машҳур қизиқчи - аскиябозлар, М.Дарвешовнинг қариндошлари, шогирдлари иштирок этишди. Бу хайрли тадбир барчада яхши таассурот қолдирди.*

*Алишер ИБОДИНОВ.*


*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 15 октябрь, сешанба № 133 (22.054).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган


## РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Покистон Ислом Республикаси Президенти Фарух Аҳмад Хон Легҳарий 18-20 октябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

## ҚУТЛУҒ ТЎЙГА ТЎЁНА

Бундан олти аср муқаддам Шаҳрисабзга ташриф буюрган испаниялик элчи Клавихо пахта ўсаётган далаларни кўрган экан. Оқсарой ҳовлисидан топилган ҳосилларда пахтанинг зарҳал тасвири акс эттирилгани бежиз эмас. Деҳқонларни уруғ билан таъминлашни «тузуклар»ида битиб қолдирган Амир Темур ҳазратлари пахтанинг мамлакат иқтисоди учун катта бойлик эканлигини эътиборда тутганлар.

Соҳибқироннинг қутлуғ тўйи нишонланадиган йилда Қашқадарё вилояти пахтакорлари катта хирмон яратиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Жумладан, шаҳрисабзлик пахтакорлар бу йил 20500 тонна ҳосил олишни мўлжал қилишган.

—Туманда биринчи бўлиб режани бажардик, — дейди А. Шербобоев номли жамоа хўжалиги раиси Ғ. Азимов. — Гектаридан 33 центнердан ҳосил олдик. Етиштирилган 900 тонна «Наманган-77» навли пахтанинг 300 тоннасини уруғлик сифатида сотдик. Бу — қарийб келгуси йилда 2,5 минг гектар ерга экадиган уруғлик чигит демакдир.

Вилоятнинг Яккабоғ, Қамаши, Касби туманларида ҳам терим суръати оширилмоқда. Бу пахтакорларнинг қутлуғ тўйга муносиб тўёнасидир.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

***ВАТАН МЕҲРИ АЛЛАЛАРДА УЛҒАЯР...***

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат.

## КЛИНТОН АҚШ ВА ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚАЛАРИ ХУСУСИДА

Вашингтон. (ЮСИА). Оқ уйда Ўзбекистон Республикасининг янги элчиси С. Сафоевнинг Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтонга ишонч ёрлиғи топшириш маросими бўлиб ўтди. Президент. Клинтон икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва минтақавий масалаларда ҳамкорлик кенгаяётганлигидан мамнун эканлигини билдирди ва жумладан шундай деди:

«26 июнь куни Оқ уйда Президент Ислом Каримов билан бўлган учрашувимиз икки томонлама мустаҳкам муносабатларнинг ривожланишига янгича куч берди ва мен Америка халқи номидан Президент Ислом Каримовга ва Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларимни билдираман.

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистоннинг суверенитети, демократик тараққиёти ва гуллаб-яшнашидан тўғридан-тўғри ва моддий манфаатдордир. Биз Ўзбекистонни Ўрта Осиёдаги етакчи давлат деб биламиз, чунки у бозор муносабатлари тараққиёти ва ҳамкорликнинг минтақада ҳаракатлантирувчи омили бўлишга қодир имкониятга эга мамлакат. Шу боис Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни Евроосиёдаги сиёсатимизнинг энг муҳим қисми сифатида кўзда тутамиз.

Икки томон ҳам турли масалаларда ҳамкорлигимиздан келиб чиқадиган ютуқларни юқори баҳолайди. Биз Ўзбекистон ҳукуматининг инсон ҳуқуқлари ҳурматга сазовор бўлган очиқ жамият қуриш йўлида яқинда қўйган ижобий қадамларини маъқуллаймиз. Демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги ҳаракатларнинг бундан кейинги ривожи ички барқарорлик ва иқтисодий фаровонликни таъминлайди. Бу ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Биз бундан кейин ҳам мана шу жараённи қўллаб-қувватлаш истагидамиз.

Биз хавфсизлик соҳасида, ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама, масалан, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида алоқаларимиз ривожланиб бораётганидан, айниқса хурсандмиз. Ўзбекистоннинг Қозоғистон ва Қирғизистон билан биргаликда Ўрта Осиё тинчлик батальонини тузишда иштирок этиши сизнинг мамлакатингизга нисбатан бу ерда ишонч-эътиборни оширди. Бу ташаббус Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорлик тарафдори эканлигидан далолат беради, деб ҳисоблаймиз ва «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурининг келгуси машқларида Ўзбекистон билан яқин алоқаларни давом эттиришга интиламиз.

Биз Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги минтақавий масалалар бўйича яқин ҳамкорлигимизни юқори баҳолаймиз. Мамлакатингиз раҳбариятининг Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни таъқиқлашни кўзда тутган амалий ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз ва Афғонистонда бошланган фуқаролар уруши мазкур таклифни илгари суриш билан боғлиқ бизнинг ҳаракатларимизга қандай таъсир этиши мумкинлиги хусусида хавфсизлик Кенгашининг бошқа аъзолари билан ўтказажак маслаҳатлашувларимиз натижаларидан сизларни хабардор этиб турамиз. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган ишларимиз доирасида Ўзбекистон билан янада яқинроқ маслаҳатлашувлар ўтказиш тарафдоримиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 51-сессияси олдидан биз барча масалаларда Ўзбекистон билан бундан ҳам қалин алоқаларни йўлга қўйишга ҳаракат қиламиз.

Мен, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида барқарор савдо ва инвестиция алоқаларининг муҳимлигини таъкидламоқчиман. Америка Қўшма Штатлари Умумжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга интилаётган Ўзбекистон билан ўзаро мустаҳкам ҳамкорликни давом эттиришга тайёр. Биз бугунги Америка сармояларининг муваффақиятини, шу жумладан, энергетика ва тоғ-кон саноатидаги муваффақиятларни ҳам икки томонлама муносабатларимиз ривожининг ёрқин намойиши деб ҳисоблаймиз ва инвестиция шарт-шароитлари янада яхшиланишига катта иштиёқ билдирамиз».

## ЯХШИ НАТИЖА — САМАРАЛИ МЕҲНАТГА БОҒЛИҚ

**Боёвут тумани агросаноат уюшмаси раиси Мавлонберди ИБОДУЛЛАЕВ билан суҳбат**

**— Мавлонберди ака, туман далаларида шу кеча-кундузда олиб борилаётган ишларни қисқача шарҳлаб берсангиз.**

— Бу йил 16 минг 819 гектар ерда пахта етиштирганмиз. Меҳнатларимиз самараси чакки эмас. Кунлик суръатда ҳам, мавсум бошидан жамғарилган хирмон салмоғи бўйича ҳам вилоятда боёвутликлар карвонбошилик қилишмоқда. Мақсадимиз бу йил ҳосилдорликни 28 центнерга етказиш, техникадан самарали фойдаланиш ва имкон қадар арзон хом ашё етказишдир. Ана шу мақсадларда туманимиз хўжаликлари далаларида 217 та пахта териш машиналари ишлаб турибди. Уларнинг ҳар бири билан кунига 4—4,5 минг тонна пахта йиғиб олинмоқда. Шунингдек, 17 мингга яқин киши қўл теримида иштирок этаётир. Шунинг учун ҳам кунлик суръатларимиз чакки эмас.

**— Йиғим-терим илғорлари ҳақида нима дея оласиз?**

— Ҳар йилгидек бу йил ҳам Ғофиржон Алиев раислик қилаётган 1 Май номли ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти аъзолари мавсумда пешқадамлик қилишмоқда.

Султон Раҳмонқулов бош бўлган «3 — Боёвут» ширкатлар уюшмаси ишлари ҳам мақтовга лойиқ. У тумандаги энг йирик пахтачилик хўжаликларидан биридир. Ширкат механизаторлари вилоятда биринчи бўлиб машинада пахта териш режасини ошириб адо этдилар. Ҳозирнинг ўзида бу ерда ҳар бир терим агрегати билан 75 тоннадан ортиқ пахта йиғиб олинди.

*Дозарб мавзу*

Шунингдек Ш. Рашидов номли, А. Навоий номли жамоа хўжаликларида ҳам пахта йиғим-терими суръати авжида.

**— Боёвутликлар нималар ҳисобига сўнгги йилларда мунтазам равишда вилоятда илғорликни қўлдан бермай келяптилар?**

— Туманимиз ҳудуди иккита йирик сув иншоати, яъни Жанубий Мирзачўл канали ва «Дўстлик» (собиқ Киров номли канал) оралиғида жойлашган. Бу ҳол бизни доимий равишда ирригация ва мелиорация ишларига катта эътибор беришга даъват этади. Туманимиз ҳудудида 94 км. масофада очиқ зовурлар бор. Биз ҳар уч йилда ана шу зовурларни юз фоиз тозалашга эришамиз. Бу йил ҳам тозаладик.

Иккинчидан, туманимиз экин майдонларини мунтазам ўғитлаб бориш, харитасини ишлаб чиққанмиз. Унга асосан ҳар йили камида 4 минг гектар ер юз фоиз ўғитланади. Шу тариқа ҳар уч йилда барча экин майдонлари юз фоиз ўғитлаб чиқилади. Пахтачиликдаги қолган ишлар деҳқон маҳорати, ғайраттшижоатига боғлиқдир.

**— Туман ғаллакорларининг ишларига ҳам тўхталиб ўтсангиз...**

— Бу йил давлатга ғалла сотиш бўйича ўз буюртмамизни 108 фоиз қилиб бажардик. Ҳосилдорлик гектар бошига салкам 28 центнерга етди. Бу йил ҳам 10 минг гектар ерга ғалла экиш ниятидамиз. Ҳозирги кунларда кўзда тутилган майдонларнинг 40 фоизига уруғ ташлаб бўлинди. 20 октябрга қадар суғориладиган майдонларга ғалла экишни тугаллаймиз. Ой охирига қадар эса лалмикор майдонлардаги экин-тикин ишлари ҳам ниҳоясига етказилади. Боёвутликлар пахта ва ғалла етиштириш борасида вилоятда карвонбошиликни ҳамиша сақлаб қолишга азму қарор қилишган.

**Суҳбатдош: Абдужалил УМАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

*Мухбиримиз бонг уради*

## ЗОЕ БЎЛМАСИН!

Мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллиги нишонланган кунда Қорақалпоғистон Республикаси шоликорлари 395,5 минг тонна шоли етиштириш, шундан 237 минг тоннасини давлатга сотишни режалаштирган эдилар. Бироқ айни шу долзарб кунларда шоли ўриш, янчиш, тайёрлаш ишлари шу кун талабларига мутлақо жавоб бермаяпти. Ишлаб чиқилган графиклар барбод бўлмоқда. 98 минг 800 гектар майдондаги шолининг 61 минг 752 гектари 5 октябргача ўриб-янчиб олиниши керак эди. Амалда 32 минг 400 гектари ўриб олинди. Жатка ва комбайнларда кунига ўрта ҳисобда 1174 гектари ўрилмоқда. Уларнинг бир меъёрда ишламаганлигидан 150 минг 586 тонна ўрнига 79 минг 174 тонна шоли янчилди. 66 минг 400 гектар майдондаги шолизорга ҳалигача бирон комбайн тушгани йўқ.

Кузнинг иккинчи ойи ҳам ўтиб боряпти. Мовий осмонда пага-пага булутлар... 1463 та техникадан атиги 776 таси ишлаяпти. Уларнинг ҳам ишлаганидан ремонтда тургани кўп.

Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Р. Шукруллаев:

— Биринчи навбатда жатка ва комбайнларнинг 2-3 сменада ишлашини ташкил қилиш, ўз навбатида қўл кучидан фойдаланиш ҳам яхши самара беради, — деди. — Германиядан келтирилган 16 та комбайн ишга туширилди. Унинг ҳар бири кунига 40 гектар майдондаги шолини ўриб — янчиб беради. Бироқ, ҳозирги ишлаётган жатка ва комбайнларимизда барча майдонлардаги шолини ўриб-янчиб олиш муаммо бўлиб қоляпти.

Кўп ишлатиладиган эҳтиёт қисмларнинг етишмаслигидан жатка ва комбайнларнинг тенг ярми ишламасдан турибди.

Шоли ўриш-янчиш ишлари юришмаётганлигининг яна бир сабаби хўжаликларда шоли ўриш-янчиш 5 сентябрдан бошланганлигига қарамасдан 5 октябргача, яъни бир ой давомида унда қатнашаётган шоликорларга, механизаторларга меҳнат ҳақи — нақд пул берилмаганлиги, пахта теримида қатнашаётган пахтакорлар, механизаторларга эса ҳар беш кун якунига кўра нақд пул берилаётган бир пайтда шоликорлар ва механизаторлар эса бундан манфаат кўролмаганлигидандир. Бу ҳам шолини тезроқ ўриб-янчиб олишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Далада шоли кўп. Республикамизда ғалла мустақиллигини таъминлашда жиддий ишлар амалга оширилаётган бир пайтда йирик майдонлардаги шолининг қор-ёмғир тагида қолиш ҳавфи бор. Унинг бир бошоғини ҳам исроф қилмасдан ўриб-янчиб олишда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳайъати шунингдек, шоличиликка дахлдор идоралар, бошқармалар, бирлашмалар қарорлар қабул қилавермасдан, кўрсатмалар, буйруқлар беравермасдан шошилинч равишда амалий ёрдам кўрсатишлари лозим. Шундай ёрдам кўрсатилмас экан, ёз бўйи пешона тер эвазига етиштирилган шоли қор-ёмғир тагида қолиши аниқ.

Ғалла сиёсатини амалга оширишда ҳар ким ўзининг бугунги улуши ва хизмати ҳақида ўзига-ўзи ҳисоб берсин! Шолининг бир бошоғини ҳам қор-ёмғир тагида қолдиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ПАХТАЧИЛИКЛАР ЗАФАРИ

**Пахтачи тумани деҳқонлари Самарқанд вилоятида биринчи бўлиб йиллик режани уддаладилар. Қабул пунктларига етказиб берилган 30 минг тонна «оқ олтин»нинг ҳаммаси юқори навларга сотилди. Ҳар гектар майдон ҳосилдорлиги 29 центнерни ташкил этди.**

**Фармон ТОШЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

**Кобул.** Кейинги беш кун мобайнида, деб хабар қилади Би-Би-Си агентлигининг мухбири Ф. Гудвин, толибонларнинг қуролли кучлари қисқа, бироқ аниқ ҳужумларга дуч келмоқда. Ҳукумат қўшинлари, баъзан эса орқа томондан маҳаллий аҳоли бу зарбаларни бераётир. Ҳукумат яхши ташкил этилган партизанлик ҳаракатини бошлади. Бу ўз натижаларини бермоқда. Бунга жавобан толибонлар маҳаллий аҳолига қарши ўзига хос чораларни кўриб, уларнинг уйларини ёқиб юбормоқда. Бу ўз-ўзидан маълумки аҳолининг қаттиқ норозилигига сабаб бўлаётир. Бинобарин, толибонлар Кобулни қўлга киритганларидан сўнг қилаётган бедодликлари туфайли афғонларнинг барчасини ўзларига қарши қилиб қўйишди.

**Кобул. (Рейтер).** Собиқ ҳукумат қўшинлари ўзлари икки ҳафта аввал қувиб чиқарилган жойларини, яъни Қобул атрофидаги бир қанча аҳоли пунктларини яна қайтариб олдилар. Толибонларнинг фронт чизиғи Кобулдан икки соатлик йўлда жойлашган Саланг довонида ҳам ёриб ўтилди, деб хабар қилинади.

**Исломобод. (Франс-пресс).** Толибларнинг аскарлари Кобулдан шимолдаги иккита муҳим шаҳарни тўла топширишди.

Афғонистоннинг ҳукумат қўшинлари толиблар Кобулни олганларидан сўнг ўзлари қолдириб кетган ушбу шаҳарларни яна қайтариб олишди.

*Миллий иш майдони*

# ИШОНГАН ТОҒИМИЗ, АРДОҚЛИ БОҒИМИЗ

**Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши биринчи котиби Гуландом СУБҲОНОВА билан суҳбат**

***Суҳбатдошимиз: 1950 йилда туғилган. 1975-76 йилларда Пахтакор тумани, 1981—84 йилларда Жиззах вилояти ёшларига етакчилик қилган. 1984—87 йиллар мобайнида Москвада ижтимоий фанлар академияси аспирантурасида ўқиган. Фалсафа фанлари номзоди. 1991-93 йилларда Жиззах вилоят ҳокими ўринбосари вазифасида ишлаб, 1993 йилнинг сентябридан буён ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби.***

**— Гуландом Субҳоновна, келинг, ёшлар ҳақида суҳбатлашайлик!..**

— Жоним билан!

**— Бугунги кун ёшларининг қайси фазилатлари маъқул-у, нималари ёқмайди Сизга?**

— Узоқ йиллар вилоят ёшларига етакчилик қилганман. Ёшларнинг орзу-ўйлари, интилишлари қалбимга жуда яқин. Назаримда, ҳамиша улар билан биргаман, улар билан ҳамоҳанг ўй сураман. Президентимиз айтганларидай, ёшларнинг Ватаним деб ёниб яшашларини, яратиб, бунёд этишларини, Ватан ва халқ хизматига ҳамиша шай туришларини истайман. Бу борада бизнинг кўпчилик ёшларимиз худди кўнглимдагидай — ватанпарвар, оқил-одил, жасур ва ҳалолдирлар. Бунинг устига аксарияти ўқимишли, ҳунарли бўлганидан кўплаб эзгу ишларга қўл урмоқдалар.

Яқинда матбуотда ТошДУ битирувчиси Рустам Иброҳимовнинг диплом иши номзодлик диссертациясига тавсия этилгани ҳақидаги хабарни ўқиб, ниҳоятда қувондим. Номзодлик диссертацияси докторлик ишига тенглаштирилибди деганларини эшитгандим, аммо, диплом иши номзодлик иши бўлганини биринчи эшитишим. Қаранг, қандай қобилиятли ёшларимиз бор! Барча ёшларимизнинг Рустам каби изланувчан, меҳнаткаш бўлишларини истайман. Бизни оламга танитган Абу Али ибн Сино, Хоразмий каби боболаримиз ҳам ўз иқтидорларини ҳалол меҳнат билан юзага чиқаришган.

Ёшларда бирорта ҳам нуқсон бўлмаслигини истардим. Ватаннинг келажаги ҳам, шон-шуҳрати ҳам ўзларига боғлиқ эканини ёшларимиз унутмасалар бўлгани.

**— Сиз ёшларга раҳбарлик қилган йилларнинг ўзингиз қониқиш ва қўмсаш билан эслайдиган жиҳатлари ҳақида гапирсангиз...**

— Мен Мирза ва Жиззах чўлларини ўзлаштиришнинг қизғин йилларида ёшлар етакчиси бўлдим. Ўша шижоатли йилларнинг ҳар кун, ҳар соати жасоратга бой эди десам, лоф бўлмайди. Армия сафидан тўппа-тўғри чўл ўзлаштиргани келган Исломжон Абдуллаев акаси Мамажон Дадажоновга эргашиб, саҳрони макон этган Тўлан Дадажонов, опаси Турсуной Охуновага ўхшашга интилган Инобат Охуновалар чўлга келганларида навниҳол ёшда эдилар. Улар меҳнат қилиб, обрўмартабага ҳам, муҳаббат ва оилага ҳам, меҳнаткаш фарзандларга ҳам чўл қўйнида эришдилар. Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлдилар.

Ёшларнинг кейинги авлодлари Холбуви Рустамова, Бурҳон Турдиев, Гулсара Умарова, Жозил Эргашев, Анорбой Хайруллаев ва бошқалар кунларни тунларга улаб, тоғ-тоғ пахта хирмонлари яратишди. Уларга ҳавас қилиб, чўлликлар янги туғилган фарзандларини уларнинг номлари билан аташарди. Шунинг ўзи уларнинг халққа манзур бўлгани эмасми?

**— Бугунги ёшларда жасорат етишмайди, меҳнаткаш эмас демоқчимисиз?**

— Йўқ, бундай демоқчи эмасман. Суҳбатимиз бошида ёшларимизнинг ниҳоятда жасур ва меҳнаткашлигини айтган эдим. Бироқ, кейинги пайтда ярқ этиб халқ эътиборига тушаётган, эл назарини тортаётган ёшлар кам. Республикамиз улкан одимлар отиши учун ёшларнинг фидокор меҳнати, изланишлари жуда зарур. Орияти тоғдай, орзулари уммондай улуғ бугунги ёшларимиз тезроқ ва кўпроқ ихтиролар қилишлари, ўйлаб топишлари, яратишлари керак. Сақич ва папирос сотиб, кун кўриш эмас, балки савдогарчиликнинг ҳаммага фойда келтирадиган сирларини ўрганиб, шуғулланишлари лозим.

Мен бу гапларим билан ёшлар кўнглига қаттиқ тегмоқчи эмасман. Ғаллазор ва пахтазорларда жонларини жабборга бериб ишлаётган ёшларимиз кўп. Санъат, маданият ва спорт соҳаларида юртимиз шуҳратини оламга ёяётганлар ҳам оз эмас. Юртимиз мадҳияси дунё миқёсидаги мусобақаларда, анжуманларда янграганда қувончдан менинг ҳам юрагим ҳаприқиб кетади.

Бугун Ватанимизни дунё танимоқда, тан олмоқда. Ўзбекистон билан иқтисодий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш истагини билдираётган мамлакатлар, тадбиркорлар сони тобора кўпаймоқда. Шундай экан, Ватан мустақиллигини асрабавайлаш, уни дунёга янада кенг танитишда ёшларимиз бундан кейин яна ҳам ғайратлироқ, шижоатлироқ, ташаббускорроқ бўлсинлар!

**— Замона зайлига қараб фермерлик қилаётган ёшлар ҳам кўп...**

— Тўғри айтасиз. Бироқ, ҳали улардан халққа кутилган наф тегаётгани йўқ. Қайси фермер ҳузурига борманг, 70—80 ва ундан ҳам кўпроқ қорамоли, юзлаб қўй-эчкиси, ўнлаб гектар ери борлигини кўрасиз. Бироқ, уларнинг кўплари ҳали халққа унча кўп нарса берган эмас. Улар ҳали қўллаб-қувватлашга муҳтож.

Президентимиз кўрсатмаларига биноан, фермерларга катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ер ва техника, пул маблағлари ажратиляпти. Сувдан фойдаланиш текин. Шундай экан, улар эндиликда дўппини ёнга қўйиб, бир ўйлаб қўришлари керак.

**— Ёшларимизда Сиз кўрмоқчи бўлган фазилатларни кўпайтириш ва мустаҳкамлаш учун нималар қилмоқ керак?**

— Биринчи галда уларга ишониш, тўғри йўлга бошлаш керак. Агар эсингизда бўлса, илгари клуб ва санъат саройлари, истироҳат боғлари, рақс майдонлари деярли ҳар кеч ёшлар билан гавжум бўларди. Улар билан турли мавзуларда саволжавоблар, ваъзхонликлар, мунозаралар ўтказиларди. Қўшиқлар куйлашиб, рақсларга тушишарди. Эндиликда негадир ўшандай йиғин ва учрашувлар камайиб кетди.

Ҳар хил сабаблар бўлиб, ҳатто, газеталар халққа ўз вақтида етказиб берилмайди. Давлатимизнинг сиёсатини юритаётган газета қишлоқларга бир неча кундан сўнггина етиб боради.

Телевидение, радио ва газета-журналлар замонамизнинг жонкуяр ёшлари, ихтирочилар, ишбилармонлар ҳақида камдан-кам ҳикоя қиладиган бўлиб қолишди. Бундай ҳикоялар ўрнини реклама, эълон ва билдирувлар кенгроқ эгаллай бошлади. «Ойнаи жаҳон»ни очсангиз, чет эл кинолари, кимнингдир хиёнати, кимнингдир разолати ҳақида чўзиқ қиссаларни кўрасиз. Кинотеатрларга боринг-а, улардаги кинолар янада даҳшатли: қотиллик ё ўғрилик билан бошланиб, шу билан тугайди. Инсоннинг ўзаро муносабати, муҳаббат ва садоқат, яратиш ва истиқлол йўлидаги завқли меҳнат ҳақида фильмлар деярли йўқ. «Видеобар» деб аталувчи жойларга қириб ҳам бўлмайди, янада ҳаёсизроқ. Шу ўринда айтмоқчиман — «Навоий», «Фурқат», «Ўтган кунлар» каби тарихий фильмлар, «Мафтунингман», «Ёр-ёр» каби меҳнат ва ишқни улуғловчи кинолар нега кам яратилиб, экранларга кам чиқарилади?

Яна бир мулоҳазам шуки, ўзларининг ҳалол меҳнати, ҳалол турмуш тарзи билан эл орасида обрў қозонган кишиларни ёшларга кўпроқ ўрнак қилиб кўрсатишимиз керак. Ҳар йили кўплаб фидойи кишилар республикамиз орден ва медаллари билан мукофотланмоқдалар. Матбуот ва телевидениеда ана шу мукофот соҳиблари ҳақида кенг ёзиш ва кўрсатиш ҳам фойдали. Ёшлар ўларга ўхшашга, улардай меҳнат қилишга интиладилар.

**— Айни пайтда Халқ демократик партиясининг Сиз раҳбарлик қилаётган вилоят кенгашида ёшлар билан ишлаш қандай ташкил этилган?**

— Аввало шуни айтишим керакки, кенгашимиз раҳбар ходимларининг ўртача ёши 35 га тўғри келади. Вилоят бўйича 20695 нафар партия аъзосининг 9620 нафари ёшлар. Шундай экан, партиямизни ҳам ёшлар партияси десак, янглишмаймиз.

Кенгашимизда вилоят ёшлари алоҳида ҳисобда. Қайси корхона, ташкилот ёки муассасада қанча ёш йигит-қиз борлиги бизга аниқ. Биз — кенгашимизнинг биринчи котибидан то оддий ходимигача, улар орасида тез-тез бўлиб турамиз. Уларнинг орзу-ўйларини тинглаймиз, муаммоларни ўртоқлашамиз, қўлимиздан келганича ижобий ҳал этишга ҳаракат қиламиз.

Шу йилнинг олти ойи ичида ўнлаб корхоналарда ёшлар билан турли учрашувлар ва мулоқотлар, суҳбат ва лекциялар ўтказдик. Номзодларни партия сафига тантанали қабул қилдик. Меҳнат жамоалари ҳузурида ибратли ёшларга, партия аъзоларига раҳматномалар эълон қилиб, қимматли совғалар топширдик. Тошкент шаҳридан таниқли олимлар, ижодкорлар, партия вакилларини таклиф этиб, ёшлар билан учрашувлар уюштирдик. Яқин вақт ичида истеъдодли ёшлар орасида ихтирочилик ишлари учун кўрик-танлов ташкил этиш ниятимиз бор. Хуллас, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг истеъдод ва ташаббусини қўллаб-қувватлашга барча ташкилотчилик қобилиятимизни сарфлайверамиз.

**Суҳбатдош: Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамада*

# ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти Республика Олий Мажлиси VI сессиясида биринчи ўқишда қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини партия ташкилотларида кўриб чиқиш, ўрганиш ва унинг юзасидан таклиф ҳамда мулоҳазаларни шакллантиришни тавсия этган эди. Ўтган вақт давомида у 2,5 мингга яқин бошланғич партия ташкилотларида, 124 бор вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари пленумлари, ижроия бюро мажлисларида ҳамда партия фаоллари йиғилишларида муҳокама этилди. Бундан ташқари, шу масала юзасидан 600 га яқин давра суҳбатлари, депутатлар билан учрашувлар ўтказилди. Юқорида санаб ўтилган тадбирларда 123 мингдан зиёд киши иштирок этди. Қонун лойиҳаси асосан маъқулланиб уни такомиллаштириш бўйича 700дан ортиқ таклиф ва истаклар билдирилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, партиянинг «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятларига ҳам Қонун лойиҳаси юзасидан таклифлар келиб турибди.

Партия Марказий Кенгаши қошида тузилган махсус ишчи гуруҳи уларни таҳлил этиб, умумлаштирмоқда.

Қуйида Қонун лойиҳасига оид баъзи таклифларни келтирмоқдамиз.

Жиззах вилоятидан Э. Исломов, лойиҳадаги «Устав» сўзи ўрнига «Низом» сўзини ишлатишни ҳамда Қонунга сиёсий партия ва давлат ҳокимияти идоралари ўртасидаги ҳамкорлик бўйича алоҳида банд киритишни таклиф этмоқда. Наманган туманидан А. Абдураҳмонов «Сиёсий партиялар хўжалик тузилмалари даромадларининг мазкур партиялар низомларида кўзда тутилган вазифаларни бажаришга йўналтирилган қисмидан маълум муддат давомида солиқ олинмаслиги керак», деб ҳисоблайди. Самарқандлик Й. Суюнов Қонунда кимлар сиёсий партияларга аъзо бўлиши мумкинлиги, айниқса, уларнинг ёшлари чегаралаб қўйилиши ва сиёсий партияга аъзолик якка тартибда амалга оширилишини аниқ белгилаш тарафдори. Навбаҳорлик Ш. Калонов Қонун лойиҳасининг биринчи моддасидаги «Жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи» деган сўзлардан кейин «Ватанимиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётига фаол ҳисса қўшувчи» мазмунидаги сўзларни киритишни таклиф этган.

Партия Қорақалпоғистон республика кенгаши иккинчи котиби Э. Хошчанов лойиҳанинг иккинчи моддасига «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига» деган сўзлардан кейин «Қорақалпоғистон Республикаси» ҳамда шу моддадаги «ўз уставларига» сўзидан олдин «сиёсий дастури» жумласини қўшишни таклиф қилган. Шунингдек, у ушбу модда қуйидаги таҳрирда, яъни «Сиёсий партиялар давлат ва жамият ўртасида боғлаб турувчи асосий бўғин сифатида ўз фаолиятларини...» тарзида ёзилишини тўғри бўларди, деб ҳисоблайди.

Юқорида «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамаси давомида билдирилган таклифларнинг фақат айримлари келтирилди, холос. Уларни таҳлил этиш давом қилмоқда. Бундан кейин ҳам газета саҳифаларида муҳокамада иштирок этаётганларнинг фикрлари ёритиб борилади. Энг асосийси, ушбу Қонуннинг мукаммал ҳолда қабул этилишига партия аъзолари ҳам, партиясизлар ҳам бирдек қизиқаётганликлари демократиянинг муҳим белгиси — фуқароларимиз онгининг муттасил ўсиб бораётганлигини яққол намоён этмоқда.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.**

# ПАХТАЗОР — МАРДЛАР МАЙДОНИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти, шаҳар, туман кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари, кўп сонли аъзолари ҳам бу долзарб паллада пахтакорлар билан бирга нафас олмоқдалар. Вилоятимизда етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ҳозирги кунда пахта далаларида 55 минг нафар ёрдамчи иштирок этмоқда. Уларнинг шу кунгача терган пахталари 30 минг тоннадан ошиб кетди. Бу борада айниқса Ангрен шаҳри ҳашарчилари кунига 180-200 тонна, Бекобод шаҳри ҳашарчилари кунига 140-170 тоннадан, Қибрай тумани 130-140 тоннадан пахта териб пешқадамлик қилмоқдалар. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳашарчилар пахта штабини шаҳар ва туман кенгашларининг биринчи котиблари бошқармоқдалар. Бундан ташқари ўз оталиқларидаги пахтакорларга амалий ёрдам бериш билан бир қаторда оммавий, сиёсий-маданий ишларни уюштириш, ташкил этиш ва уни амалиётда татбиқ этишда ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

Айниқса, бу ишларда яқинда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибиятининг «Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг 1996 йил пахта ҳосилини йиғиб териб олишда иштироки тўғрисида»ги қарори жуда қўл келмоқда. Мазкур қарорга жавобан жойларда катта ташкилотчилик ишлари олиб борилмоқда. Туман, шаҳар партия кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари пахта йиғим-теримида иштирок этаётганларга республика Олий Мажлиси VI сессияси ҳужжатлари, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг мазкур сессиядаги нутқи ҳамда халқаро ҳаётдаги янгиликларни халқ оммасига етказмоқдалар. Тушлик ва дам олиш пайтларида суҳбатлар, мулоқотлар ўтказилмоқда. Бунда «Сиёсий партиялар ҳақида»ги Қонун лойиҳаси ҳамда ХДП Марказий Кенгаши Котибиятининг қарори қизғин ўрганилмоқда. Бутун диққат-эътибор пойтахт вилоятимизнинг кўзлаган 280 минг тонналик режаларини ёруғ юз билан ўринлашга, пахтазорларда янада жавлон уриб ишлашга қаратилган.

**Неъматулла ҚАЮМОВ.**

**Ғиждувон туманидаги Абдуҳолиқ Ғиждувоний номли жамоа хўжалиги деҳқонлари кунлик суръатни тобора оширишмоқда. Айниқса, Жаббор Облоев бошлиқ бригада азаматлари бу борада пешқадамликни қўлдан беришмаяпти. Улар яқинда 51 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиб, йиллик режаларини шараф билан уддалашди. Илғор теримчилардан Олия Адизова билан Нодира Ҳакимовалар бригада ғалабасига муносиб улуш қўшишди. Улар ҳозир ҳам кунига 160-180 килограммдан пахта териб, ҳам хўжалик хирмонига, ҳам оила бюджетига барака киритишмоқда.**

**Суратда: Ана шу чевар теримчиларни кўриб турибсиз.**

**Ҳайдарали ҚУРБОНОВ олган сурат.**

# «МЕКАКАР» ОПЕРАЦИЯСИ ДАВОМ ЭТАДИ

Бундан саккиз йил аввал Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотига аъзо давлатлар 2000 йилгача ер юзида полиомиелит хасталигини бутунлай йўқотишга келишиб олишганди. Кеча Тошкентда очилган катта анжуманда қатнашаётган Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти, Ротари Интернэшнл ЮНИСЕФ, USAID, CDC ташкилотларининг нуфузли вакиллари халқаро эмлаш кунлари «Мекакар» операциясига мувофиқ бутун дунёда изчил олиб борилганлигини таъкидлашди. Зеро, республикамиз тиббиётчилари қўлида ҳам инсоният учун хавфли бўлган бу хасталикка қарши вакцина мавжуд ва ундан самарали фойдаланилмоқда. Шу боис бу йилнинг ўтган ўн ойи ичида республикамизда ҳали биронта ҳам полиомиелит учрагани йўқ. Шунга қарамай, бу хасталикнинг яна учрамаслиги ва организм мустаҳкам иммунитет ҳосил қилиши учун ҳали «Мекакар» операциясини давом эттириш кўзда тутилмоқда.

**Умида ФАЙЗИЕВА.**

*Қишлоқда иқтисодий ислоҳотлар қандай бормоқда?*

# ИШЛАГАННИНГ ТИЛИ УЗУН БЎЛАДИ

**Сурхондарё вилояти пахтакорлари йиғим-теримни авж олдирмоқдалар**

Термиз туманидаги «Халқобод» хўжалиги жамоаси бажарилган режага қўшимча 750 тонна пахта етиштиришни мўлжал қилишди. Бу ўша бажарилган режа деганимизнинг қарийб учдан бир қисмига тўғри келади. Агар биз газетачилар қўшимча мажбурият деб ўрганган бу мўлжал амалга ошса, «Халқобод» гектаридан 50 центнердан пахта ҳосили олган бўлади.

Сурхондарёда фақат «Халқобод» хўжалиги эмас, Деновдаги генерал С. Раҳимов номли, Узундаги Б. Омонов номли, К. Эшмирзаев номли, Шўрчидаги «Полвонтош» жамоа хўжаликлари ҳам бугун бажарилган режанинг яна учдан бир қисми миқдорида пахта берамиз, деб турибдилар.

Шу жиҳатдан, айниқса, Қумқўрғондаги С. Бойматов номли жамоа хўжалиги аъзоларининг ўктамлиги таҳсинга сазовор. Хўжалик 7,5 минг тонна пахта тайёрлади, пахтаси сатҳи 5 гектарлик катта хирмонни тўлдириб юборди.

— Далада яна 3 минг тонна пахтамиз бор, — дейди хўжалик раиси Э. Жумаев. — Давлат шартномасини биринчилар қатори бажардик. Насиб этса, бу йилги пахтадан 7 минг тоннасини ўзимиз эркин нарх билан сотамиз.

Сурхондарёнинг Узун, Олтинсой, Сариосиё, Шўрчи туманлари пахтакорлари марра сари дадил яқинлашиб келишмоқда. Пахтакорларни моддий рағбатлантириш тадбирлари кўнгилдагидек йўлга қўйилган.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Ҳукм ўқилди*

# БУЮРТМА ҚОТИЛЛИК

Қарийб уч ярим ой давом этган суд жараёни катта-кичиклар қалбини жунбушга келтирган машъум воқеа айбдорларини қилмишига яраша жазога тортди.

Наманган вилоятининг ҳам ўзига яраша ҳурматли одамлари, эл-юрт равнақи деб умрини ўтказган фидойилари бор. Шулардан бири, халқ дилидан жой олган Самарахон ака Андижон Тиббиёт институтини тугаллаб, шифокор касбини эгаллаган дилбанди Раъногонни Косонсой шаҳрида яшовчи Олимхон Султонов исмли йигитга турмушга узатади.

Тумандаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги оддий ишчиси Олимхон кейинчалик нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхонасида механик, бошлиқ вазифасини бажарувчи бўлиб ишлади ва ниҳоят бошлиқ бўлиб кўтарилди.

Одатдаги ҳол. Олимхон Раъно билан дастлабки йилларда яхши яшади. Хотини уч қиз туққанидан кейин бойваччанинг кўнгли уни хушламай қўйди. Ҳатто энг кичик фарзандига туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ҳам олиб бермади. Ҳаром луқмалар эвазига келаётган жарақ-жарақ пуллар уни тобора қутуртириб борарди. Раъно билан эса фарзандлари борлиги учунгина эмас ёки оиласини сақлаш мақсадида эмас, балки ўз мавқеини, мансабини сақлаб қолиш, курсисини маҳкам тутиш ҳамда ноқонуний ҳаракатлари ошкор бўлишидан қўрқиб яшаб юрди. Лекин оилада тез-тез жанжал кўтарилиб турарди.

Ўтган йилнинг август ойида Косонсой паррандачилик фабрикасида ёнилги қуйиш шаҳобчаси мутасаддиси бўлиб ишловчи, «Мадон» лақабли Мамадали Раҳмоновга Олимхон ичини ёзди. У хотинидан хафа эканлиги, бир қўрқитиб беришини илтимос қилди. Албатта, туманда ўзига хос «авторитет»га эга йигитга бу ҳеч нарса эмас, қолаверса, хизмати эвазига каттагина улуш олиши муқаррар эди.

Шундай қилиб, 2 ноябрь куни кеч маҳал М. Раҳмонов нефтбазага келиб, Олимхонни ошга таклиф этади ва бензин сўрайди. Ҳотамтой бошлиқ 4205 литр ёнилғини ҳеч бир ҳужжатсиз бериб юборади. Бу бекорга эмас эди.

Маишатдан кейин спиртли ичимликдан гангираган Раҳмонов танишлари Мақсудхон Меҳмонов, Отавуллахон Хапизхоновлар билан қолиб, машинасини Олимхон Султоновнинг уйи яқинида тўхтатади ва юкхонада турган, қўлда ясалган пичоқ ва болғани олишини Отавуллахонга буюради. Мамадали ва Мақсуд Олимхон тайинлаб айтган жой— Раъно ва болалари ҳамда ўша куни улар билан қолган толиба қиз Ёрқиной Аҳмаджоновалар ётган уйга келишади. Аввал аёлнинг бақин ва бўйнига пичоқ санчиб, болға билан уришади. Шу пайт уйғониб қолган Ёрқинойни ҳам пичоқлаб шикастлашади. 1990 йилда туғилган Шаҳнозани бошидан жароҳатланган Мухтасарни, сўнг ҳали жони узилмаган, оғзидан қони келиб турган Шаҳнозани касалхона жонлантириш бўлимига олиб келади. Лекин, у бир неча дақиқа нафас олади, холос...

Жиноятчи ким? Қайси бағри тош одам бунга қўл урди? Бу саволлар устида маъмурий орган ходимлари икки ой бош қотиришди. Лекин қотиллар топилди. Уларнинг машинасидан марҳумларнинг қон излари топилди. Бу дастлабки ва ишончли асос сифатида жиноятнинг очилишига далил бўлди.

Жиноятчилар суриштирув мобайнида ҳамма сирни ошкор этишди. Анча миқдорда бензин ва 80.000 сўмга баҳоланган буюртма қотиллик шахсан Олимхон Султонов йўриғи билан амалга оширилганлиги исботланди.

Золим эр, қабиҳ ота олдинига ўзини қордек оппоқ қилиб кўрсатди. Лекин гувоҳлар аниқ далиллари билан унинг ҳақиқий башараси очиб ташланди.

Ўттиз ёшли она, 18 ёшли дилбар қиз, беш ёшли норасиданинг умрига зомин бўлган Олимхон Султонов, Мамадали Раҳмонов, Маҳсудхон Меҳмоновлар Наманган вилоят суди ҳукми билан олий жазога ҳукм этилди. Қолганлари узоқ муддатга озодликдан маҳрум бўлдилар.

Олий жазо... У жамиятимизга кераги йўқ одамларга нисбатан қўлланиладиган ҳақ ҳукм. Зеро, яхши кишилар орасида бундай мунофиқларга асло ўрин йўқ.

**Муҳиддин ҚУТБИДДИНОВ,**
**Наманган вилоят прокуроринг ёрдамчиси, 2-даражали ҳуқуқшунос.**
**Зоҳидахон КЕНЖАЕВА,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.**

ТЕМУРНОМА

# ИНСОНИЯТНИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН МЕРОС

Соҳибқирон ўз салтанатининг пойтахти— Самарқанд шаҳрини йирик илмий- маданий марказга айлантириш мақсадида илму фаннинг барча соҳалари бўйича кўплаб машҳур олимларни бу ерга жамлади. У бирор масалани ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдон одамлари, олимлар билан маслаҳатлашиб, сўнгра аниқ қарорлар қабул қилар эди. Шу ўринда Амир Темур томонидан ҳижрий 806 йилда чақирилган олим-фузалолар кенгаши ҳақидаги маълумот диққатга сазовор. Кенгашда ул зот бундай деган эканлар: «Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишда менга ўз маслаҳатларингиз билан кўмаклашишингиз керак».

Илф-фан равнақининг мамлакат келажаги учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўра билган Соҳибқирон машҳур фан арбобларини бошқа мамлакатлардан пойтахтга олиб келиб ишлатганлиги тарихий ҳақиқатдир. Улар орасида Ҳусомиддин Иброҳимшоҳ Кермоний каби табиб, Мавлоно Аҳмад сингари астрономлар, Қозизода Румийдек алломалар бўлган. Амир Темур мўғул истилочиларидан фарқ қилиб минг-минглаб олим ва меъморларни, маданият аҳлини Самарқандга тўплаб, фан-маданиятнинг юксалиши, уларнинг яшаши, ижоди учун шароит яратиб берди. Темур саройида хизмат қилувчи олимлар орасида Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсиддин Мунши, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Бадриддин Аҳмад, Мавлоно Нуғмониддин Хоразмий, Ҳужа Афзал, Мавлоно Олоуддин Коший, Жалол Ҳокий ва бошқалар бор эди.

Бобомиз фаннинг турли соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор берган. Айниқса ахтаршунослик масалаларига қандай эътибор билан қараганлиги ўқувчининг диққатини тортмасдан қолмайди. Ахтаршунос — юлдузшунос, астролог эмас. Астролог — қурачи Темур олдида бошқа феодал ҳокимлардаги каби катта эътиборга эга бўлмаган. Ахтаршунос Темур учун вақтни белгилаш, йўл йўналишини аниқлаш учун, яъни ҳарбий ва савдо, амалий ишлари учун зарур бўлган. Самода юлдузларнинг жойлашишини яхши билган ахтаршунос қутб юлдузига қараб муайян жой координаталарини — шимолни, жанубни, шарқни, ғарбни осонгина аниқлай олган; Етти қароқчи юлдузларига, Сомон йўлига, Зуҳра ёки Моки, Поза, Кари ва ҳоказо юлдуз туркумларига қараб вақтни — соатни белгилаган. Ўша даврда ҳали компас кашф этилмаганлиги эътиборга олинса, ахтаршунос, юлдузшунос ишларининг қанчалик аҳамиятга эга бўлганлиги равшандир.

Амир Темурнинг бебаҳо тарихий хизматларидан яна бири илм-фан қадр-қимматини кўра билиб, уни ривожлантиришга ҳомийлик қилиши натижасида яратилган илмий муҳит Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ҳусайн Бойқаро каби порлоқ сиймоларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Амир Темур вафотидан кейин темурий шаҳзодалар ўртасидаги тахт учун ўзаро курашлар мамлакатнинг ички ҳаётига қисман таъсир кўрсатган бўлсада, Шоҳруҳ, Улуғбек, Абусайид, Султон Ҳусайн ҳукмронлик қилган даврларда буюк Темур анъаналари давом эттирилиб, илм-фан янада ривожлантирилди.

Ўша даврнинг етук тарихчи олими Абдураззоқ Самарқандийнинг гувоҳлик беришча, Самарқанд билан бир қаторда Ҳирот ҳам Улуғбек ва Шоҳруҳ даврида Шарқнинг йирик маданият марказига айланган.

Мирзо Улуғбек ўз ҳокимлик фаолиятининг бошлариданоқ Мовароуннаҳр шаҳарларини, хусусан, Самарқанд ва Бухорони илму маърифат даргоҳига айлантиришга эътибор қаратди. Улуғбек Мовароуннаҳрни бутун мусулмон мамлакатларининг илмий марказига айлантириш мақсадида Самарқанддаги мадрасага олимларни тўплаган ва шу тариқа ўзининг илмий астрономик мактабини шакллантирган. Мактабнинг асосий мударрислари илмни тўла давом эттиришга етарли шароит мавжудлиги учун Соҳибқирон давридаёқ Самарқандга келган Тафтазоний, Мавлоно Аҳмад, Қозизода Румий каби олимлар эди. Қозизода маслаҳати билан Улуғбек отасининг мулки Кошон шаҳридан Ғиёсиддин Жамшид Кошийни келтиради. Самарқандга Мовароуннаҳрнинг турли шаҳарларидан ва Хуросондан келган олимларнинг сони 1417 йилга келиб юздан ортиб кетган.

Мирзо Улуғбек ташкил қилган Самарқанд мадрасаси ва илмий тўгараги Шарқ маданияти, фан тарихида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Турли халқлар илми, маданиятининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Илмий изланишларни кучайтириш мақсадида мадраса қурилганидан тўрт йил ўтгач Мирзо Улуғбек Қозизода Румий, Мавлоно Ғиёсиддин Жамшид ва Мавлоно Муиниддин Кошонийлар билан маслаҳатлашиб, 1424-1429 йиллар мобайнида Кўҳак тепалигида Оби Раҳмат ариғи бўйида Расадхона биносини қурдиради. Расадхона самовий ёритгичларни кузатиш, ўрганиш учун хизмат қилувчи махсус ўлчов асбоблари ҳамда ускуналар билан жиҳозланади. Осмон ёритгичларини ўрганувчи ўлчов асбоби секстант деб аталиб, у Шарқда маълум бўлган секстантларнинг энг каттасидир. Олимлар ва хизматчилар учун расадхонанинг теварагида катта-кичик ҳужралар қурилади. Яна шуниси ҳам диққатга сазоворки, Улуғбек расадхонасининг бой қутубхонаси ҳам бўлиб, унда қарийб 150 минг китоб сақланар экан.

Темур ва темурийлар ҳукмдорлиги даврида Мовароуннаҳр билан бир қаторда Ҳиротда ҳам илм-фанни ривожлантиришга эътибор кучли бўлди. Хуросон мулки ҳукмдори Шоҳруҳ Мирзо илм-маърифат йўлида ажойиб ишларни амалга оширди. 1410-1411 йилларда Ҳиротда Шоҳруҳия мадрасасини қуриб, ёшларни маърифатли қилишга ҳомийлик қилди. Шоҳруҳнинг ўзи ҳам китоб ўқишни севар, турли мамлакатлардан уларни сотиб олиб келтирар эди. У Соҳибқирон Амир Темурнинг Самарқанддаги қутубхонасидек Ҳиротда ҳам сарой қутубхонасини ташкил қилди. Унга «Нигористон» деб ном қўйди. Самарқандда Улуғбек, Ҳиротда эса Шоҳруҳ Мирзо раҳнамолигида тарих, жуғрофия, адабиёт, шеърият тез ривожланиб борди. Абдураззоқ Самарқандий, Ҳофизи Абрў каби XV асрнинг йирик тарихнавис олимлари яшаб, Темур ва темурийлар тарихини ёритдилар. Ҳофизи Абрў Амир Темур саройида тарихнавислик билан шуғулланган бўлиб, 1405 йилда Соҳибқирон вафот қилгач, Шоҳруҳ Мирзо саройида хизмат қилди ва унинг топшириғига биноан 1414-1415 йилларда «Мажмуа» — «Тўплам»ни ёзган.

Абдураззоқ Самарқандий эса 1467-1470 йилларда ўзининг «Матлаи Саъдайн» ва «Мажмаи баҳрайн» деб номланган («Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиш жойи») асарини ёзиб тугатади. Бу асар ниҳоятда қимматли тарихий манба бўлиб, XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросондаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ўзгаришларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Темурий Бойсунқур Мирзо ҳам илм-фанни ривожлантиришга иштиёқманд ҳокимлардан бўлиб, унинг илм даргоҳида бажарган ишларининг нусхалари бизгача етиб келган. Абулқосим Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома»си, Рашиддин Файзуллоҳ Ҳамадонийнинг «Жомеъ ут таворих» каби асарларидан нодир нусхалар кўчиртирилди. 1425 йилдаёқ Бойсунқур Мирзонинг ташаббуси билан «Шоҳнома»нинг қирқдан ортиқ нусхаси қиёсланиб, ўрганилди ва мукаммал танқидий матни тайёрланиб, Бойсунқур Мирзонинг ўзи асарга сўзбоши ёзди.

Хуллас, Темур ва темурийлар ҳукмдор бўлган 140 йилга яқин давр ичида Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкаларида илм-фан соҳасида эришилган ютуқлар, амалга оширилган кашфиётлар жаҳон фани тараққиётига қўшилган муносиб ҳисса бўлиб, минтақа халқларининг обрўига обрў қўшди. Ҳанузгача дунё халқлари Темур ва темурийлар давридаги илмий кашфиётлардан баҳраманд бўлиб, уларнинг номларини чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади, улар қолдирган илмий меросни катта қизиқиш билан ўрганади.

**Содиқ НАЗАРОВ,**
**тарих фанлари номзоди.**
**Комилжон ҲАЙДАРОВ,**
**фалсафа фанлари номзоди.**
**Худойқул САЪДИНОВ,**
**техника фанлари номзоди.**

*Муносабат*

# ЭКОЛОГИЯ ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Биз — Марказий Осиё халқлари бир дараҳтнинг шохларимиз. Илдизларимиз ҳам битта. Шохига урсанг, туёғи зирқирайди, деган мақол бор. Орол фожиаси, Қарши чўли, Қозоғистон саҳролари, Қорақумнинг чексиз — ташна ерлари, Турсунзода ташвишлари — бугун биргина ўзбек, қозоқ, тожик, қирғиз ёки туркман халқининг дарди эмас. Бу бутун минтақамиз дардидир.

Марказий Осиёнинг бу кунги экологик ҳолати шу минтақада яшаётган барча халқларнинг жароҳати, фожиасидир. Табиатдан шуни яхши биламизки, у бир кишининг, бир вилоят ёки бир давлатнинг иши эмас, балки кўпчиликнинг, барчанинг иши, дарди.

Ана шундай муаммолардан бири шу кеча — кундузда нафақат Самарқанд вилояти, Ўзбекистон Республикаси, балки Жаҳон халқларининг муаммосига айланган, бизнинг ҳаёт поездимизни жар ёқасига элтиб қўйган, XXI — асримизнинг оғир жароҳати — бу экологик муаммодир.

Экология дейилганда фақат табиатни муҳофаза қилиш, ўсимлигу ҳайвонот дунёсини, ерни, сувни, ҳавони асраш зарур экан деб, тушунмаслик керак. Экология замирида Инсон тақдири, унинг авлод-аждоди, наслининг тақдири ётади.

Экология касб танламайди. Чунки у ўзининг ҳозиргина айтган маҳсулини, ўз иньомини барчага бирдай ҳадя этади. Тасаввур қилинг, у мусаффо ҳавони сен ишчисан, сен муаллим, сен ҳокимсан, сен шоирсан, сен фаррошсан деб ажратадими? Йўқ. Унинг бу бой хазинасидан шоҳу — гадо бирдай фойдаланади.

Шундай экан, унинг дарди, қайғуси, фожиаси билан ҳамдард бўлиш, уни муҳофаза қилиш ҳам ҳамманинг, барча ақли — расо инсоннинг вазифаси бўлмоғи керак.

Экология чегара билмайди. Унинг маълум тарқалиш чегараси, минтақаси йўқдир. Биз ишлатадиган Ўзбекистон экологияси, Тожикистон экологияси ёки бошқа давлат экологияси дейишимиз бу умумий бир тушунча бўлиб, унинг мазмуни, маъноси дунё қадар кенг эканлигини эсдан чиқармайлик.

Бу ҳақиқат бизга шуни очиқ айтиб турибдики, биз инсонлар табиатнинг ўз метин қонунлари борлигини, фақат ундан оқилона фойдаланиб, ҳаётий эҳтиёжларимизни қондиришимиз мумкинлигини унутмаслигимиз керак.

Табиатни муҳофаза қилишдаги экологик таълим — тарбиядаги фожиамиз шундаки, биз бу қонуннинг борлигини унутдик, менсимадик, «Табиат устидан ўз ҳукмронлигимизни ўрнатиб борамиз» деб нотўғри жар солиб келдик.

Назоратсизлик, сувдан бепул фойдаланиш ва алмашлаб экишнинг йўқлиги сувдан мақсадсиз фойдаланишга олиб келди. Пахта ва шоли етиштириш кўп сув сарфлашдан ташқари, кўп миқдорда ўғит ва бошқа кимёвий моддаларни қўллашни талаб қилади. Бу эса атроф — муҳитнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган даражада ўнлаб марта кўп бўлганишига олиб келади. Бу усул охир-оқибатда Орол бўҳронига айланди. Бу бўҳрон Марказий Осиё ҳудудида «Аҳоли — иқтисодиёт — табиат» тизими мувозанати бузилганлигининг энг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистонни Сирдарё, Амударё, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё каби дарёлар сув билан таъминлаб туриши ҳаммага аён. Лекин уларнинг суви таркибида азот нитритлари, фенол, мис, қўрғошин, молибден каби бирикмалар 1,0 ПДК дан тортиб бир неча ПДК гача учраши аниқланди.

Ана шулар ичида Зарафшон дарёсининг суви энг тоза сув ҳисобланади, афсуски унинг таркибида ҳам турли хил заҳарли моддалар борлиги аниқланмоқда. Зарафшон сувидан нафақат Самарқанд вилоят аҳолиси, балки қўшни Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятларининг аҳолиси ҳам сув ичади.

Маълумки, унинг бошланиш ирмоғи Тянь — Шань ва Помир, Олой тоғларидан бошланиб Тожикистондан ўтади. Бу сувнинг тозалиги учун курашиш нафақат ўзбекистонликларнинг, балки ён қўшнимиз бўлган тожикистонликларнинг ҳам инсонийлик вазифасидир.

Шуни очиқ айтиш керакки, биз баъзан табиатнинг экологик омилларига етарли баҳо бера олмаслигимиз ҳаётни, тараққиётни, ривожланишни фақат бир томонлама кўрганимиз оқибатида бугунги кунда ана шундай экологияга дуч келиб турибмиз.

Ҳозирги кунда Қирғизистоннинг Чу водийси, Тожикистоннинг Ҳисор тумани, Ўзбекистоннинг Тошкент, Фарғона вилоятларининг ҳаво, табиий муҳити саноат иншоотларининг нотўғри жойлаштирилишидан оғир аҳволга тушиб қолган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Марказий Осиё халқлари олдида пайдо бўлган бу ҳаётий муаммо, унинг ҳар бир халқидан, ҳар бир олиму фозилидан энди ақл-заковат билан иш тутиб, она— табиатимиз тақдири учун ҳамкор бўлиб ўйлашимиз, ишлашимиз керакдир. Зеро, бу муаммо нафақат бугунимиз, балки эртамиз, келажак авлодларимиз тақдири билан бевосита боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Орол ва Оролбўйи минтақасидаги ҳаётий экологик муаммоларни ечиш, мавжуд ишларни бажариш аввало биз, ўзбекистонликларга, қолаверса Марказий Осиё мамлакатлари халқлари зиммасига тушишини ҳам бир зум эсдан чиқармайлик.

Шуни унутмайликки, ҳеч қачон, ҳеч ким четдан келиб, Оролбўйига бориб, кўчат экиб, ихота дарахтлари барпо этиб бермайди.

Такрор айтишимиз мумкинки, бу ишларнинг бошида турган, Орол тақдири билан тинмай изланиб, қайғуриб келаётган республикамиз Президенти И. Каримовнинг ҳиссаси, хизмати тенгсиз эканлигини бугунги кунда ҳаммамиз кўриб турибмиз. Биз эса қўл қовуштириб ўтирмаслигимиз, юртбошимиз фидоийлигини ўз ишимиз, меҳнатимиз билан қўллаб-қувватламоғимиз даркор!

**Қудратилла ҲАЙДАРОВ,**
**профессор,**
**Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фан-техника тараққиёти ва тарғиботи бўлимининг бошлиғи.**




# ҚОЧОҚЛАР 200 ЙИЛ ОЛДИНГИ ЮРТИГА ИНТИЛЯПТИ

Зоирнинг шарқий қисмидаги лагерга қуролланган одамлар ҳужум қилди. Лагерда тахминан 20 минг бурундилик қочоқлар бор эди.

Мансабдор шахснинг айтишича, Туту этник қабиласига тегишли курашчилар ўзларини туб аҳоли ҳисоблаб, яқинда Зоирда ўрнатилган ҳукумат тартибидан норози бўлишмоқда.

БМТдаги манбанинг маълум қилишича, лагерга ҳужум пайтида тўрт нафар қочоқ ўлдирилди, 6 нафари эса жароҳатланган.

Кўриниб турибдики, лагерга қилинган ҳужум Жанубий Зоир ва Шимолий Қувий вилояти ўртасидаги муносабатларнинг тобора ёмонлашиб бораётганидан далолатдир. Кучлари тенг бўлмаган зоирликлар душман отрядларига қарши курашяпти. Тартибга қаршилик кўрсатганлар, яъни Зоирни ташлаб Руандага қайтаётганлар — бундан 200 йил илгариги ўз она юртига интилаётган қочоқлардир.

## ЯНА УЧРАШАДИГАН БЎЛИШДИ

Исроил Бош вазири Б. Нетаньяху ва Фаластин Президенти Ёсир Арофат шу ҳафта ичида олий даражадаги учрашув ўтказмоқчилигини маълум қилишди.

Фаластиндаги манбаларда айтилишича, АҚШ вакили Деннис Росс кеча тунда Арофат билан музокарада Исроил раҳбари билан бўладиган олий даражадаги учрашувга тўхталиб ўтди.

Шу ойнинг бошида Арофат ва Нетаньяхунинг Вашингтондаги самарасиз учрашувигача, яъни ўтган ойда Фаластин — Исроил тўқнашувида 60 нафар араб ва 15 нафар яҳудийлар ўлдирилган.

Исроил — Фаластиннинг расмий музокаралари узоқ муддатдан буён Ғарбий қирғоқдаги Хебронда сақлаб турилган отрядининг чиқиб кетишининг эртагача, фавқулодда ҳолатдагина яна бир кунга кечиктиради.

# ОҚАЁТГАН ДАРЁ

Инсон умрини оқар дарёга қиёслайдилар. Бундай ўхшатишда чуқур фалсафий маъно — инсон умри оқар сувдек ўткинчи ва шитоб билан кечишидан огоҳлантириш, ана шу қисқа умрни мазмунли кечиришга, некбин ниятлар билан яшашга интилишга бир ишора бордек. Айни пайтда бу иборада инсон ҳаётининг яратувчилик ва бузувчилик қудратига ишора ҳам борга ўхшайди. Чунки, дарё ўз ўзанидан оққанда униш-ўсиш, лўнда айтганда ҳаёт манбаи бўлса, ўзанидан чиққанда эса қутурган, вайрон қилувчи кучга айланади. Шундан келиб чиққан ҳолда эзгулик нури билан йўғрилган, мураккаб ва олижаноб вазифа-мураббийликка бағишланган умрни ўз ўзанидан тўлқинланиб, мавжланиб оқаётган, ҳар бир тўлқини, ҳаракатининг ҳар бир сонияси яратувчиликка ошно бўлган дарёга қиёслаш мумкин. Атоқли файласуф олим, профессор Жалол Мансурович Бобоевнинг кўп қиррали ва бой ҳаёти бунга яққол мисол бўла олади. Чунки у ўзининг 86 йиллик умрининг 67 йилини халқимизга маърифат нурини тарқатишга, маданиятимизни тарғиб қилишга, маънавиятимизни ривожлантиришга бағишлади.

Профессор Жалол Бобоев ўзининг педагогик фаолиятини мактабда ўқитувчиликдан бошлади. Ўрта Осиё Давлат университетини тугатгач, Хоразм ва Тошкент педагогика институтлари, Тошкент Қишлоқ хўжалиги ва тиббиёт институтларида катта педагогик маҳорат орттирди. Москвадаги Ижтимоий фанлар академиясини муваффақиятли якунлаб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси қошидаги лекторлар гуруҳига бошчилик қилиб, республикамиз илм-фани, маданияти ютуқларини халқ оммаси ўртасида кенг тарғиб ва ташвиқ қилди. Йигирма бир йил Тошкентдаги нуфузли олий ўқув юртида Фалсафа қафедрасига бошчилик қилди. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг бошқа республикалари учун юқори малакали раҳбар ходимлар тайёрлаш ишига муносиб ва салмоқли ҳисса қўшди. Устоз Ўрта Осиё Давлат университетида фалсафа тарихи кафедрасини ташкил қилиб, унга бир неча йиллар раҳбарлик қилди. Яқин-яқинларга қадар домла ТошДУ фалсафа факультети фалсафа кафедрасида профессор лавозимида самарали ишладилар.

Домламиз ҳаёт йўлининг асосий босқичлари ана шундай. Аммо унинг ортида меҳнат ва машаққатларга, педагогик маҳорати ва илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш йўлида бедор ўтган тунлар, илмий тадқиқот рўёбга чиқариш йўлидаги курашлар, давр ва ҳукмрон мафкура зуғумидан озор чекишларга тўла устознинг ҳаёт йўли ётибди. Кўплаб хорижий давлатларда, мамлакатимизнинг деярли барча олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтларида бугунги кунда фан номзоди ва доктори илмий даражаларига, катта ижтимоий, илмий, педагогик мавқе ва обрў-эътиборга эга юзлаб собиқ файласуф — талабалар томонидан у кишининг талабчанлиги, ёшларга бўлган ишончи, меҳру муҳаббати, юксак фазилатли мураббийларга хос сабр-тоқати, бағри кенглиги, дилкашлиги ҳамда кечиримлилиги самимий ва чексиз эҳтиром билан тилга олинади. Бу ана шу ҳаёт йўлига берилган муносиб баҳо, таъбир жоиз бўлса, унинг мантиқий ҳосиласи дейиш мумкин.

Олим ўқув ва ташкилотчилик ишларини кенг миқёсдаги илмий-тадқиқот ишлари билан қўшиб олиб борган. Унинг қаламига мансуб ўнта йирик ва оригинал характерга эга бўлган монография, фалсафанинг турли соҳалари мураккаб муаммоларига бағишланган мақолалар, шу каби саксондан ортиқ асарлар, Ўзбек қомусидаги турли фалсафий оқимлар, мактаблар ва айрим мутафаккирларнинг ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган йигирмадан ортиқ мақола бунинг далилидир. Устознинг фалсафа тарихи, диалектика ва билиш назарияси, ижтимоий онг тараққиёти муаммоларига бағишланган асарлари бугунги кунда ҳам асосий ва қимматли ўқув қўлланмаларидан бўлиб келмоқда.

Кексалик гаштини сураётган, тиниб-тинчимас Жалол Мансурович бугунги кунда ҳам илмий изланишларни давом эттирмоқда. Хусусан, у «Фалсафа тарихининг қисқача курси» номли асарини қайта ишлаб, нашрга тайёрлаш борасида самарали меҳнат қилмоқда. Биз муҳтарам устозга: "Бу эзгу йўлда асло ҳорманг деймиз!

**Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ.**

*Эҳтиром*

"КЎМИР"

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ
АЪЛО СИФАТЛИ ҚАТТИҚ ЁҚИЛҒИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАДИР!

"Ўзбеккўмир"

фирмаси турли маркадаги кўмирларни СОТАДИ

шунингдек, тошкўмир брикетларини ва қадоқланган кўмирни Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида жойлашган ёқилғи-савдо корхоналарининг вилоятлардаги улгуржи-чакана савдо омборларидан келишилган, арзон баҳода етказиб беради.

Хак тўлаш усули турлича.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

Нуқус шаҳрида 3-26-11
Андижон шаҳрида 4-33-58, 4-54-59, 4-28-40
Бухоро шаҳрида 5-76-64
Жиззах шаҳрида 4-45-67
Қарши шаҳрида 4-48-10, 2-21-28
Наманган шаҳрида 3-75-48, 3-76-41
Навоий шаҳрида 4-52-11
Гулистон шаҳрида 25-48-56
Самарқанд шаҳрида 35-03-17, 31-15-61
Термиз шаҳрида 4-95-60, 4-95-62
Фарғона шаҳрида 24-53-79, 24-33-59
Урганч шаҳрида 6-41-05
Тошкент шаҳрида 44-53-54, 44-35-93, 41-78-40, 41-78-41.

*Шифокор минбари*

# «СОҒЛИҒИНГ ҚАДРИГА ЕТ...»

Ҳофизларимиздан бири айтадиган бу қўшиқ «... хаста бўлмасдан бурун» деган сўзлар билан давом этади. Дарҳақиқат инсоннинг ҳаёти унинг саломатлиги билан чамбарчас боғланиб кетган. Тиббиётдаги ишларимиз муваффақияти мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун муҳим омилдир. Бу борада асаб хасталиклари муолажасининг ўрни беқиёсдир. Зотан, асаб тизими касалланиши, инсон руҳий ҳолатининг беқарорлиги фақат чегараланган касаллик бўлибгина қолмай, ҳаётда кенг тарқалган қатор хасталиклар, чунончи гипертония, атеросклероз, мия инфаркти, мияга қон қуйилиш, юрак инфаркти, меъда яраси, неврозлар каби касалликларга олиб келади.

Саломатликни сақлаш инсоннинг ўз қўлида. Аммо шу оддий ҳақиқатни ҳаммамиз билган ҳолда баъзан ҳуда-беҳуда диққатимиз ошади, ортиқча ҳис-ҳаяжонга бериламиз, ўзимизни тута билмай, бир-биримизнинг кўнглимизни ранжитамиз. Ҳолбуки, шикастланган асабларни тиклаш жудаям қийин. Шу ўринда академик Николай Амосовнинг «Саломатлик ҳақида ўйлар» деган китобидаги қуйидаги фикрларни келтириш ўринлидир: «Агар ҳар бир инсон табиат берган иноъомлардан, фан ва техниканинг, цивилизациянинг ютуқларидан оқилона фойдаланганда эди у янада узоқ умр кўрарди. Бунинг учун одамлар турмуш тарзини ўзгартиришимиз, буни уларнинг онгига сингдиришимиз зарур». Шу маънода Европа ва Осиё медицина академиясининг академиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир-аъзоси профессор Наби Мажидовнинг «Профилактик неврология» китоби катта аҳамиятга эга бўлиб, биз юқорида баён этган муаммоларни бартараф қилиш чора-тадбирларни ўз ичига олади. Тиббиётга оид кўплаб дарслик ва қўлланмаларда касалланган тананинг ҳолати ҳақида сўз боради. Наби Мажидовнинг ушбу китобида эса биринчи бўлиб соғлом организмнинг асаб тузилмаси қай ҳолатда бўлиши кераклиги баён этилган. Мумтоз олим кўп йиллик ижодий меҳнати маҳсули бўлган ушбу асарида асаб тизимининг вазифалари, ўз-ўзини бошқариш усулларини ўрганиш йўллари, кучларни қай тарзда сафарбар этиш кераклиги, ҳимоя кучлари тўғрисида фикр юритади. Китобнинг биринчи жилди касаллик пайдо бўлмасдан даволаш масаласига бағишланган.

Инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ғояси бундан минг йиллар муқаддам буюк аллома Абу Али ибн Сино томонидан яратилган эди. Унинг фикрича, одам соғлиғини касаллик бошлангандан кейин эмас, балки ҳали хасталик бошланмасдан олдин муҳофаза қилиш лозим. Таъбир жоиз бўлса, профессор Наби Мажидовнинг ушбу китоби шу ғоянинг амалдаги ифодаси бўлган. Олим биринчи бўлиб кўпгина асаб касалликлари профилактикаси, бошланғич, илк диагностикасининг асосларини катта клиник-эпидемиологик таҳлил воситалари орқали ёритиб берган. Айни пайтда ушбу китобда асаб хасталигининг бошланиш даври ва ривожланиш пайтида кам ҳаракат қилиш, қон босимининг ошиши атеросклероз, гелио-метео омиллар, генетик-насл факторларини умумий ва якка ҳолда даволаш ўрнини кўрсатиб берган. Монографияда сурункали касалликларнинг пато ва саногенези касалликни филоантогенези биореактивлиги адаптацияси омилларининг кўплиги ва уларнинг ўзгарувчанлиги асосида рўёбга келиши тўғрисидаги илмий концепция ўз ўрнини топган.

Биз шифокорлар кўп касалликларнинг сабаби, кечиш даври даволаш усуллари тўғрисида тасаввурга эгамиз. Лекин шу пайтгача соғлом одамнинг асаб тизими тўғрисида бунчалик муфассал ахборотга эга эмас эдик. Соғлом организм билан беморнинг асаб тузилмаси ўртасидаги фарқ ва унинг хусусиятлари, минимал силжишларда бўладиган ўзгаришлар биринчи бўлиб Н. Мажидовнинг «Профилактик неврология» монографиясида ўз ифодасини топган. Бу эса медицина институти талабалари ва ёш шифокорлар учун жуда зарур ҳисобланади.

Чақалоқлар орасида жуда кенг тарқалган кассаликлардан бири перинатал энцофалопатия касаллигидир. Бу олимларимиз томонидан шу вақтгача йиғма синдромлар тарзида ёзилган бўлиб, шифокорлар тўлиқ тасаввурга эга эмас эди. Домла эса перинатал касалликлар семиотикасининг вақти диагностикасини, олдини олиш чора-тадбирларини ва даволаш усулларини биринчи бўлиб, кенг шифокорлар оммасига яхлит дастур сифатида тақдим этди.

Бош мия қон-томир касалликлари билан дунёда кенг тарқалган касаллик бўлиб, ўлимга олиб келиш жиҳатидан учинчи ўринда туради. Унинг асоратлари бўлмиш инсультлар натижасида эса ёш одамлар ногирон бўлмоқдалар. Бу ҳолат инсоният бошига тушган оғир мусибатдир. Бундай оғир касалликнинг олдини олиш, унинг бошланғич белгиларини аниқлаш ва даволаш чора-тадбирларининг чуқур таҳлили монографияда ўз ўрнини топган.

Муаллиф бош мия яллиғланиш касалликлари — церебрал лептоменингитлар ва хориоэпедиматитлар касалликларини ўрганиш, уларнинг олдини олиш, даволаш чора-тадбирларини белгилаш масалаларини олдинги ўринга қўяди. Айниқса, бош мия қоринчалари ва уларнинг деворлари яллиғланиши — хориоэпедиматитлар болалар ва катталар орасида кенг тарқалган бўлиб, бу беморларга узоқ вақт давомида ҳар хил ташхислар қўйилиб, нотўғри даволаш ҳоллари учрар эди. Профессорнинг кўп йиллик тажриба, изчил изланишлари бу касалликни алоҳида бир касаллик сифатида ажратишга ва унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда ёрдам берди. Шу сабабли, устознинг бош мия қоринчалари хусусиятларига бағишланган илмий ишлари фан оламида чин маънода янгилик деб баҳоланди. Бу кашфиёт жаҳон миқёсида қабул қилиниб, 1986 йилда тиббиёт фанлари академиясининг катта тиббий қомусида хореоэпедиматитлар атамаси сифатида пайдо бўлди.

Ҳозирги пайтда нафақат Марказий Осиё, балки бутун Ҳамдўстлик давлатлари неврологлари хориоэпедиматит касаллигини профессор Н. Мажидовнинг классификация ва даволаш усулларидан фойдаланишади. Мазкур китобнинг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, бунда асаб тизимининг инфекцион ва интоксикацион гуруҳига мансуб менингополирадикулитлар ва бруцеллёз касаллиги асоратлари китобхон эътиборига ҳавола қилинган. Бу касалликлар тез-тез учраб турса-да, лекин шу вақтгача уларнинг клиник хусусиятлари, ҳозирги замон даволаш усуллари тиббий адабиётларда чуқур ёритилмаган. Оғир асоратларга олиб келувчи бу касалликларнинг чуқур таҳлили монографияда ўз ўрнини топган.

Алиментар-токсик энцефалити 1970-80 йиллар эпидемия шаклида тез-тез учраб, кўп одамларнинг ёстиғини қуритган. Бу касаллик буғдой пояси билан бирга ўсиб, бирга янчилганда ёпилган нонидан истеъмол қилган одамларда намоён бўларди. Муаллиф иштирокида бу касаллик сабаби клиникаси ривожланиши аниқланган. «Профилактик неврология» китобида бўлса бу касалликнинг клиникаси, олдини олиш чора-тадбирлари ва даволаш усуллари кенг кўламда ёритилиб берилган. Шундай қилиб, олим Н. Мажидовнинг «Профилактик неврология» китоби айни вақтида ёзилган бўлиб, тиббиёт талабалари невропотологлар ва кенг шифокорлар доираси учун муҳим қўлланма бўлиб қолади. Ушбу китоб шифокорларимизнинг кундалик иш фаолияти учун керакли дастур бўлиб хизмат қилади.

Устоз билан бўлган суҳбатда улар ўзларининг режалари ҳақида гапириб шундай дедилар: «Ҳозирги замон неврологияси — профилактик неврология бўлиши лозим. Касаллик бошлангандан кейин эмас, балки унинг олдини олиш учун ҳаракат қилишимиз керак. Шунинг учун бутун асаб тизимининг профилактикасини касалликнинг бошланғич белгилари, чора-тадбирларини кенг ёритиб беришимиз керакки, бу халқимизнинг соғлиғига посбон бўлиб хизмат қилсин. Шу боис мен ҳар хил касалликларнинг олдини олишга бағишланган «Профилактик неврология»нинг бешта томини ёзиб, шифокорларга тақдим қилиш ниятидаман». Бу йўлда неврологлар устози — Наби Мажидовга катта ютуқлар тилаймиз.

**Ҳанифа ҲАЛИМОВА,**
**1-Тошкент давлат медицина институти неврология кафедрасининг профессори.**



***Ёруғ ниятларнинг амалими бу?***
***Ёки тирикликнинг самарими бу?***

**Муҳаммад АМИН олган сурат.**

*Воқеа арафасида*

# ЖАРРОҲЛАРНИНГ БИРИНЧИ УЧРАШУВИ

Тошкентда 16-18 октябрь кунлари Н. И. Пирогов номидаги Ҳамдўстлик мамлакатлари жарроҳларининг 1 конгресси бўлиб ўтади. Бу собиқ Совет Иттифоқи тарқалиб кетганидан кейинги жарроҳларнинг илк йиғилиши бўлиб, унинг мамлакатимизда ўтказилиши биздаги мўътадиллик, шунингдек тиббиёт фанидаги ютуқларимиз туфайлидир. Анжуманда Мустақил ҳамдўстлик республикалари етакчи жарроҳлари, бутун дунё тан олган мутахассислар қатнашади. Бу катта тадбир жарроҳлик илмидаги ечимини кутаётган ва мулоҳазаларга сабаб бўлаётган бир қанча масалаларни кўриб чиқишга бағишланади.

**Феруз НАЗИРОВ,**
**профессор.**

**Бош муҳаррир**
**Азим СУЮН**

**Таҳрир ҳайъати**
**Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ** (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), **Аслиддин БОЛИЕВ** (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), **Владимир ЧЕБОТИН** (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), **Алимқул СУЛТОНОВ** (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), **Александр ТЮРИКОВ** (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

**ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ**
**ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА**
**МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ**

**БЎЛИМЛАР:**
*Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.*
*Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.*
*Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.*
*Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.*
*Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.*
*Халқаро ҳаёт — 33-47-80.*
*Реклама ва эълонлар — 33-38-55,*
*факс — 33-79-14.*

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**
*Андижонда — 24-16-48;*
*Бухорода — 3-54-87;*
*Гулистонда — 25-16-22;*
*Жиззахда — 3-31-86;*
*Навоийда — 3-75-43;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 7-58-83;*
*Самарқандда — 35-22-90;*
*Тошкентда — 33-12-56;*
*Урганчда — 6-51-35;*
*Фарғонада — 22-36-78;*
*Қаршида — 3-25-79;*
*Қумқўрғонда — 5-26-24.*

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.**

**Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**

*Навбатчи муҳаррир М. АҲМАД, навбатчи С. ЙЎЛДОШЕВА.*

**Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120**
**Газета офсет усулида А—2 форматда 26.845 нусхада босилди**
**Ҳажми 2 босма табоқ**
**«Узбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.**
**Г — 0563**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 20.30*
*1 2 3 4 5 6.*

**СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА**

*Тўйолди кўргазмаси*

# АМИР ТЕМУР ДАВРИ — МУСАВВИРЛАР ТАСВИРИДА

Ўзбекистон рассомлар уюшмаси «Хамар» халқаро алоқалар марказида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган кўргазма очилди. Унга қўйилган тасвирий санъат асарларини яратишда республикамиз кўп сонли ижодкор рассомлари қатнашган. Улар Амир Темур ва темурийлар даври ижтимоий-маънавий ҳаётининг бир қатор қирраларини очиб беришга, алломаларнинг сиймосини яратишга, тарихийликка ҳаракат қилганлар. Кўргазмада ихчам ҳайкаллар ўрин олган. Амир Темур тасвирланган асарлар билан бир қаторда, уни воқеалар гирдобида, тарихий жараённинг ҳал қилувчи дақиқаларидаги руҳий ҳолатини ифода этилган асарлар ҳам мавжуд. Темурийлар хонадонидаги аёлларнинг ижтимоий ҳаётда, қурилишда фаол иштироки суратларда акс эттирилганлиги ҳам эътиборга лойиқдир.

Буюк Ипак йўли акс этган санъат асарлари ҳам киши диққатини ўзига тортади. Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев, фалсаа фанлари доктори Тилаб Маҳмудов, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Гуань Хэнгуань қатнашдилар.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ,**
**Тошкент Давлат техника университети доценти.**

*Спорт*

# КИМ ЧЕМПИОН БЎЛАРКИН?

Мамлакат чемпионати Олий лигасида сўнгги учрашувлардан кейин вазият анча кескинлашди. Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси футболчилари бошқа жамоалардан анча илгарилаб кетиб, ҳотиржамликка йўл қўйишди. Оқибатда рақиблари кетма-кет очколар жамғариб, уларга етиб олаёзди.

Бинобарин, кечиктирилган учрашувлар натижаларига кўра наманганликлар ўз мавқеларини бироз йўқотишди. Чунки улар тобора чиройли ўйин кўрсатиб келаётган Тошкентнинг «Пахтакор» командаси билан учрашишди. Бу ўйинда майдон эгалари ҳар томонлама ҳужумкорликка эътибор беришди. Натижада, Равшан Бозоров билан Собир Ходиев киритган учта тўпга бир тўп билан жавоб қайтаришди. Наманганликлар қимматли уч очкони бой беришди.

Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси футболчилари эса аксинча ўйиндан-ўйинга маҳоратларини ошириб боришяпти. Улар Самарқандниг «Динамо» жамоасига кутилмаганда ютқизиб қўйганларидан сўнг, Тошкентда яна бир синовдан ўтишди. Уларга қарши тўп сурган МҲСК футболчилари ўйиннинг дастлабки дақиқалариданоқ ҳужумкорликка зўр бериб, ҳисобни 2:0 га етказишди. Бироқ «Нефтчи футболчилари бу холга чидаб туришолмади. Улар ўйин охиригача рақиблари дарвозасига кетма-кет уч тўп киритиб, ғалабага эришишди. Ва қимматли уч очкога эга бўлишди.

Кейинги тур учрашувларида ҳам пешқадамлар ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олишди. «Навбаҳор» Марғилонда «Атласчи»ни 2:1 «Нефтчи» эса Урганчнинг «Динамо» сини 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ўз мухлисларини хурсанд этдилар.

Чемпионатнинг бронза медали учун кураш ҳам қизғин тус олди. «Нурафшон», «Дўстлик», МҲСК, «Пахтакор» жамоалари ҳали фахрли ўринга даъвогарликдан воз кечганлари йўқ. Шу боис ҳам, «Нурафшон» — «Дўстлик» (1:2), учрашуви кескин ўтди. «Пахтакор» эса кутилмаганда Муборакда «Машъал»га ютқазиб қўйди.

Мана мавсум тугашига ҳам оз қолди. Бироқ, ким чемпион бўлиши аниқ бўлгани йўқ. Демак, мамлакат биринчилиги ниҳоясига етгунча қизғин бўлиши кутилмоқда.

**Диққат, обуна бошланди!**

**"ОСИЁ БОЗОРИ"**

ГАЗЕТХОНЛАРИГА

**Муҳтарам газетхон!**
**Мана қариб бир йилдирки, "Ўзбекистон овози" газетасининг иқтисодий-ахборот, реклама иловаси бўлган "ОСИЁ БОЗОРИ" рўзномаси мунтазам хонадонингизга кириб боряпти. Ушбу газетага 1997 йил учун обуна бошланди.**

**"ОСИЁ БОЗОРИ"га обуна бўлсангиз:**

- **мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотларнинг қандай бораётганлигидан хабардор бўласиз;**
- **кичик бизнесни ташкил этиш йўл-йўриқларини ўрганасиз;**
- **молия ва банк, солиқ тизимидаги янгиликлардан воқиф бўласиз;**
- **қимматли қоғозлар бозори тўғрисида кенг маълумотлар оласиз;**
- **ишбилармонлар эса ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни кўз-кўз қилиб сотиш, реклама қилиш имтиёзли имкониятига эга бўладилар.**

**"ОСИЁ БОЗОРИ" — СИЗНИ ЖАҲОН БОЗОРИГА ОЛИБ ЧИҚАДИ!**

**"ОСИЁ БОЗОРИ"**

**индекс : 64742 (якка обуначилар учун)**

| 1 ойга | 3 ойга | 6 ойга | 1 йилга |
|---|---|---|---|
| 44 сўм | 132 сўм | 264 сўм | 528 сўм |

**индекс: 64567 (ташкилотлар учун)**

| 1 ойга | 3 ойга | 6 ойга | 1 йилга |
|---|---|---|---|
| 48 сўм | 144 сўм | 288 сўм | 576 сўм |

*Обуна — 97*

# «ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ» — СИЗНИНГ НАШРИНГИЗ ВА СУҲБАТДОШИНГИЗ

*Ҳамкасбларимиз диққатига*

Дўст — дўстнинг ойнаси, дейди халқимиз. «Ўзбекистон матбуоти» журнали мустақил юртимиз қаламкашлари, телерадиожурналистлари, ношир ва матбаачилари, китоб савдоси ходимлари ҳаётининг кўзгуси, бўлажак журналист ва матбаачиларнинг маслаҳатгўйи, ишчи-деҳқон мухбирларнинг кўмакчиси сифатида эътироф этилган.

Маълумки, ҳар қандай нашр — давр кўзгуси. Шу боисдан ҳам унинг доимий мундарижаси ва рукнлари бўлади, улар орқали давр нафаси муштарийларга етмоқда. «Муҳарририят — матбаачилик», «Минбари», «Нашриёт — матбаачилик», «Телевидение. Раҳбар», «Дио», «Китоб — ақлнинг сиймолари», «Барҳаётнинг рийлар — фахримиз», «Ҳамкасбларимиз ҳақида ҳикоя қиламиз», «Сўз ишчи-деҳқон мухбирларига», «Очиқ ва аччиқ гаплар», «Журналистлар ёзган китоблар», «Изланиш клуби» — булар «Ўзбекистон матбуоти» журналининг саҳифаларидан муҳим ўрин олган доимий рукнлардир.

Истиқлол туфайли Ўзбекистон журналистлари ҳам жаҳон янгиликларини мустақил ҳолда ёритмоқдалар. Шуни назарда тутиб саҳифаларимизда «Биз ва жаҳон», «Журналист хориж сафаридан қайтди» рукнлари пайдо бўлди. «Миллий матбуотимиз тарихига бир назар», «Матбуот тарихининг ўқилмаган саҳифалари» туркумидан берилаётган мақолалар ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмаяпти.

Муҳтарам ҳамкасблар! «Ўзбекистон матбуоти»нинг фидойилари ва оммавий ахборот воситаларининг фаолияти билан яқиндан танишаман десангиз, севимли нашрингизга обуна бўлишни унутманг! Журналнинг обуна нархи бошқа даврий нашрларникига қараганда анча арзон қилиб белгиланган. Каталог бўйича бир йиллик баҳоси — Тошкент шаҳри бўйича — 72 сўм, вилоятлар бўйича — 78 сўм, олти ойга — 39 сўм. Индекс — 75923.

**«Ўзбекистон матбуоти» журнали таҳририяти.**

**«МЕРИДИАН-А» фирмаси**

**ISTIQLOL**

***табиий ва шифобахш «Истиқлол»***

***Тошкент маъданли сувини таклиф этади.***

**Сиғими-1,5 литр, пластмасса идишда.**
***Ҳақ тўлаш шакли - пул ўтказиш йўли билан***
**Маҳсулотларни сотиш бўйича дистрибьютерлар ва агентларни ҳамкорликка чорлаймиз.**

**Манзил: Тошкент тумани, Тулабей жамоа хўжалиги, Собир Зокиров кўчаси, 3-уй.**
**Мўлжал: «Тошкент минерал сувлари»санаторийси**
***Телефонлар: (3712) 45-98-28, 78-12-57, 30-40-93.***

**«С. ЛОЛА»**
**хусусий фирмаси**
**АИ-80, АИ-91**
**(Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган)**
**АИ-93**
**(Россияда ишлаб чиқарилган)**
**юқори сифатли бензинни**
**СОТАДИ**
***Шунингдек, сақлаш ва қуйиб бериш хизматларини ҳам кўрсатади.***
***Бензинимиз сифатига Сиз қуйидаги манзилгоҳларда жойлашган АЁКШларимизда баҳо беришингиз мумкин:***
**Тошкент, Юнусобод даҳаси, 18. «Бўзсу» бекати,**
**Дўмбиробод даҳаси, 16-троллейбус ҳалқаси.**
***АЁҚШ кечаю-кундуз ишлайди.***
***Улгуржи етказиб беришни таклиф этамиз.***
***Шерикларни ҳамкорликка чорлаймиз.***
***Ҳақ тўлаш шакли турлича.***
***Телефонлар: (3712) 35-64-44 соат 9 дан 18 гача.***
***34-15-48, 23-20-45 кечаю-кундуз.***

Узбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоаси университетнинг 2-курс талабаси,
**Наргиза МЕҲМОНОВА**нинг фожиали вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдирадилар.

Республика «Пилла» уюшмаси ходимлари уюшма раиси Собиржон Наврўзовга падари бузруквори
**Наврўз ота ҚАҲҲОРОВ**нинг вафотлари муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Тошинжқурилиш» акциядорлик жамиятининг 1-ихтисослашган қурилиш бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи Темур Тошовга отаси
**Нормирза ТОШОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Узбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг ректорати ва касаба уюшмаси ҳамда инглиз филологияси факультети жамоаси стилистика кафедрасининг доценти, филология фанлари номзоди Матлуба Худойбергановага онаси
**МЕҲРИНИСО а**ннинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.